

## БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛАШТИРИШГА ДОИР КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЛҚИНЛАРИ

**Нурмуров Зафаржон Нурмурович**

*Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириши ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича инспекцияси Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиги*

---

### A R T I C L E I N F O.

**Калит сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муаммо, ечим, рақамли иқтисодиёт, бошқарув, электрон хукумат, шаффоффлик, норматив хукукий ҳужжатлар, қарорлар.

### Аннотация

Мақолада маҳаллий давлат ҳокимият фаолиятини рақамлаштириш ва бугунги кундаги асосий муаммолар ва уларнинг ечими ёритилган. Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини ва уларнинг фаолиятини такомиллаштирилиши долзарб масалалардан бири сифатида белгиланди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Янги аср ривожланиши илм фаннинг юксалиши билан давлат бошқаруви рақамлаштириш тизимида боғлиқ бўлиши, фаннинг тараққиёти замонавий технологияларга бўлган талабнинг ортиб бориши, бошқарув органларида ҳар бир соҳа учун ёш, қобилиятли, ўз соҳасининг профессионаллари кераклигини кўрсатиб бермоқда. Шунингдек, бошқарув фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва уларни тизимли механизмни йўлга қўйиш бугуннинг мухим долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бошқарув фаолиятини рақамлаштиришда, кадрлар масаласи, меҳнат бозори, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва улар ўртасидаги интеграцияни узлуксиз тарзда йўлга қўйиш учун бир қатор илмий-амалий ишлар олиб боришни тақозо этади.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш ва маҳаллий ҳокимят органларини шу тизимда бирлаштириш асосий қонун ва қонун ости ҳужжталар асносида амалга оширилади. Шу сабабли, юқорида келтириб ўтилган қарор ижросини таъминлаш ва бундан ташқари, АҚТларни ривожлантириш ва маҳаллий ҳокимят органларида қўллаш соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши зарур ҳисобланиши билан бир қаторда раҳбар кадрларни шу тизимда чуқур тайёрлашни тақозо этади. Бошқарув тизимида ҳам соҳанинг янгиланиши инобатга олган ҳолда ишчи ходимларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишини амалга ошириш ҳамда бошқарув муносабатларни тартибга солиш орқали электрон хукуматни жорий этиш ҳамда ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини янада ривожлантириш масалалари билан белгилаб берилиши лозим. Маҳаллий бошқарув органларида янги технологияларнинг жорий этилиши ҳамда кадрлар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиши соҳалар бўйича бошқарув интеграцияси, инновацияси ҳамда ишлаб чиқаришни рақамлаштириш имкониятини белгилаб беради. Шу боис, замонавий тизимида эга ривожланган мамлакатларда дифференциялашган рақамлаштириш тизимининг жорий этилиши соҳани бошқаришда бу усулдан фойдаланиш, тизимни ривожлантириш, замонавий технологияларни

кўллаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, замонавий бошқарув тизимини жорий этишга кенг эътибор қаратилигшига замин яртилмоқда.

Иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш нафақат бевосита ахборот-коммуникация тармоғини, балки мамлакат хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини ҳам қамраб оладиган кенг қамровли тенденцияга айланиб бормоқда. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан ишламоқда. Ҳозирги кунда, хужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда. Интернет-савдо, рақамли қишлоқ хўжалиги, «ақлли» электр-тармоқ тизимлари, ҳайдовчисиз транспорт, шахсийлаштирилган соғлиқни сақлаш тизимига ҳам рақамли иқтисодиёт инқилоби кучли таъсир килмоқда. Интернет-иктисодиёт ва рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳати, хусусан, бизнес юритиш ўзига хос технологияси ҳисбланади. Ўзига хос хусусият шундаки, битим «бирга бир» тамойили бўйича ва анъанавий воситачиларсиз ёки ахборот воситачиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05 октябр 2020 йилдаги ПҚ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ги Фармонининг тасдиқланиши ҳам юқорида келтириб ўтилган фикримизни тасдиқлаб беради.

Фармонда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон хукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча худудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа худудларда жорий қилишни назарда тутувчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Республикада рақамли индустряни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар келтириб ўтилган.

Бугунги кунда давлат бошқарувини ҳамда маҳаллий ҳокимят органларининг тизимини ўзgartириш моделини белгилаб олиш, маълумотларни юборишда ва айланишида белгиланган шакллардан воз кечиши электрон-рақамлаштириш тизимига ўтишни жадаллаштириш ҳамда рақамлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини давлат ва шаҳар ҳокимияти ўртасидаги ўзаро таъсир аҳоли ва хусусий тадбиркорлик билан электрон бошқарувнинг ягона тизимига шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Ушбу тизим ягона электрондан фойдаланиш асосида фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш бўйича хизматларини кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимят органларининг электрон хукумат шакллантиришнинг асосий йўналишлари<sup>1</sup>**

Бошқарув органларининг асосий йўналишлари	Бошқарув органлари доирасидаги вазифалар	Белгиланган мақсадларга эришиш воситалари сифатида
Маҳаллий ҳокимят органларининг бошқарув усулларида инновациялар	Бошқарув органларининг онлайн хизматларини шакллантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>рақамли технологиялар асосида хужжатлар айланмасини ташкил этиш ва онлайн қайта ишлаш</li> <li>кадрлар бошқарувини ахборотлаштириш</li> <li>реал вақт режимида миллий лойиҳаларни бошқариш тизими</li> <li>электрон онлайн аудит тизими</li> <li>миллий ва минтақавий даражада молиявий ахборот тизимини интеграциялаш</li> <li>маҳаллий даражада электрон хукумат шакллантириш (шаҳар, вилоят, туман маъмуриятини ахборотлаштириш)</li> </ul>
Маҳаллий ҳокимят органларининг алҳолига хизматлари бўйича инновациялар	Фуқароларга хизмат кўрсатишида илғор хориж тизимини шакллантириш	Рақамлаштириш натижасида фуқароларга электрон хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва доирасини кенгайтириш
Ахборот ресурсларини бошқариш соҳасида инновациялар	Ахборот ресурсларини интеграциялаш ва ахборотлаштириш	Электрон хукумат АҚТ инфратузилмасини мустаҳкамлаш

Маҳаллий ҳокимят органларининг электрон тизимда бирлаштириш давлат манфати учун ҳар томонлама мақбул ечим хисобланади.

Бизнинг фикримизча, амалда мавжуд замонавий технологияларнинг йилдан йилга янгиланиб бориши, замонавий бозор муносабатларининг рақамлаштирилаётганлиги, бошқарувда кадрларни ишга танлаб олиш ва компьютер технологиясининг замонавийлигини алоҳида қайд этилиши замон талаби эканлигини кўрсатиб бермоқда. Шу боисдан, маҳаллий ҳокимят органларида ахборот коммуникацион технологиялар билан интеграциялашган тизим ўртасида маълумотлар алмашинувини рақамлаштириш, электрон хизматлар, маълумотларни таҳлил қилиш, сақлаш, қимматлилик даражасини фарқлай олиш кўнкимларини шакллантириш маҳаллий ҳокимят органларини рақамлаштиришда қўйиладиган талабларнинг асосини таъминлаш имконияти яратилса ҳокимят органларини бошқаришда рақамлаштириш ўзида шаклланишига замин яратилар эди.

Шу боисдан, маҳаллий ҳокимят органларини бошқаришда замонавий технологиялар билан таъминлашда қўйидаги асосий вазифаларни белгилаб олишимиз зарур:

- маҳаллий ҳокимят органларининг рақамлаштирилиш даражаси ҳамда ҳаётий муаммоли вазиятларга қай тарзда мослашишини таъминлаш, зарур технологиялар билан таъминланишида мустақил равишда йўлга қўйиши, ахборот технологияларидан фойдаланишда ҳодимлар салоҳиятини инобатга олиш;


<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

- маҳаллий ҳокимят органларининг иш жараёнида муаммоларни олдиндан кўра билиш ва рақамлаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда оқилона ҳал этиш йўлларини излаб топиш;
- маҳаллий ҳокимят органларининг рақамлаштиришда қаерда ва қандай кўллаш мумкинлигини аниқ билиш;
- соҳани рақамлаштиришда раҳбар кадрларнинг савиасини ривожлантириш устида ишлаш ва ҳакозо.

Маҳаллий ҳокимят органларининг рақамлаштириш жараёнида интеграцияни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш ташкилотларини узвий алоқасини таъминлаш соҳалар учун икки томоннинг вазифаларини тўлиқ бажарилиши, белгиланган тартибда иш ўрни ва кадрлар малакаси бўлиши зарур ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ташкилотлари, банклар, кооперациялар қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини узвий боғлаш натижасида маҳаллий ҳокимят органларининг рақамлаштиришда ижобий таъсир кўрсатиб, ўз мутахассис кадрларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тизим яратилиши лозимлиги келтириб ўтиш соҳалар учун энг мақбул ечим ҳисобланади.

Фикримизча, маҳаллий ҳокимят органларининг рақамлаштириш соҳа ҳодимларини малакасини ошириб бориш соҳа учун янги маълумотларни эгаллаб бориши, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини рақамлаштиришни амалга ошириш имконига ҳамда интеграция жараёнини олиб борилишига турткى бўлади (1-расм).



## 1-расм. Маҳаллий ҳокимят органларини рақамли технологияларни қўллашда кадрлар тайёрлаш ва интеграция жараёни<sup>2</sup>

Соҳа учун етарли ва малакали кадрлар тайёрлашда ҳамкорликни таъминлаш, маҳаллий ҳокимят органларини соҳага тегишли вазирлик ва жамғармага боғлаш, етук кадрлар билан таъминлашнинг асосий механизмларини жорий этиш, рақамлаштиришнинг асосий босқичларини ҳам қамраб олиш учун мақбул варианtlарни танлаб олиш ва маҳаллий ҳокимят органларининг соҳада бўлган талабини қондириш имкониятини яратиб беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон Фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3564970>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга мурожаатномаси.
3. Адлия вазирлиги. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини қарорларининг ҳуқуқий экспертизаси: амалиёт ва муаммолар» органлари қарорларининг-ҳуқуқий-экспертизаси-амалиёт-ва-муаммолар/971.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.
5. Адлия вазирлигининг Маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси бошлиғи. Б.АЗИЗОВ. «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш: хориж ва Ўзбекистон тажрибаси».
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон «Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиши, келишиши ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/478764>
7. Белокрылова О.С., Алехин В.В., Ипатова А.В., Кирьяков А.Г., Миргородская Е.О., Своеволин В.Ю. Теория инновационной экономики (учебник). Международный журнал экспериментального образования, 2010 год, № 3.
8. Исмаилова Н. Рақамли иқтисодиёт таърифи, концепцияси ва унинг қўлламини ўлчаш // BIZNES-ЭКСПЕРТ №11 (143)-2019

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.